

Фермер хўжалиги далалари кўздан кечирилди



Термиз туман ҳокими Шухрат Назаров 1-сектор ҳудудидаги фермер хўжалиги далаларида бўлиб, хўжалик раҳбарлари ва ишчи ходимлари билан суҳбатлашди.

Мулоқот жараёнида туман ҳокими далаларда мавжуд экинларни парваришlash, ишлов бериш ҳамда дала четларидан ҳам унумли фойдаланиш, тут ва ток кўчатлари, полиз ва дуккакли озиқ-овқат маҳсулотларини экиш борасида бир қатор тавсия ва топшириқлар бериб ўтди.

Шунингдек, ўрганиш давомида дала четидаги йўлларни тозалаш, ободонлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.